

2003 йил – ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 декабр, жума №192 (1409)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам дўстлар!
Қадри юртдошлар!
Аввало, ўз номидан барчангизни, сизлар орқали бутун халқимизни кутлуг айём – ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлмиш Конституциямизнинг 10 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсиз.

Бугун Конституциявий суд раиси Бўритош Мустафоев қилган маърузада ҳам эзгу мақсадларимизга эришиш йўлида Конституциямизнинг улкан ҳиссаси ҳақида мазмунли фикр ва мулоҳазалар айтилди.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, хурматли мажлис иштирокчилари эътиборини кўпроқ бошқа масалага - Конституциямиз асосида қабул

қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш ва шу муҳим масала атрофида тўпланиб турган муаммоларга жалб қилмоқчиман.

Шуни очик тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўринга

кўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз қандай ҳар томонлама чуқур ва пухта ишланган, юксак андозаларга асосланган қонунларни қабул қилмайлик, агарки, уларнинг норма ва талаблари амалда ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмасе - шу

йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди. Ва, бундай ҳолатлар фуқароларимизнинг табиий ва ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Бу ўзи нима дегани, нима учун қонуний нормаларда кўрсатилган талаблар бошқа-ю, ҳаётимизда кўпгина ҳолатлар ва мисоллар бошқача, деган фикрларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Шундай вазиятларда қонун қонун билан, ҳаётда эса кўпича мансабда ўтирганларнинг айтгани бўлар экан, уларнинг сўзи, уларнинг ҳақиқати ҳақиқат бўлпти, деган кайфиятлар ҳам учрайди.

Шундай ҳолатлар ва савдолар бошига тушганда, одамларимиз беихтиёр «Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан» деган мақолни изтироб чекиб эслаши ҳам ўринли, деб ўйлайман.

Бу ҳам ҳаётимизнинг аччиқ ҳақиқати.

(Давоми 2-3-бетларда)

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган ва халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида тўла акс эттирган Бош қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим сиёсий, ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳонда янги, суверен, истиқболли порлоқ давлат дунёга келганининг ўзига хос шаҳодатномаси бўлди.

Фаровон турмушимиз ривожда, Ватанимиз ва халқимиз тақдирини Конституциямизнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Конституциямизни нафақат таърифлашда, айнаи ҳолда қоидаларини модда-модда

рўёбга чиқариш асносида уни ҳаётимиз Қомуси деб билишимиз ва беҳад қадрлашимиз бежиз эмас.

Бунинг сабаби шуки, Конституциямизда халқимизнинг ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек орзу-хава-си ўзининг тўла ифодасини топган. Шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётнинг шакл-шамойили, маънавий қиёфаси шоён акс эттирилган. Унда тараққиётимиз гарови бўлмиш тинчлик, осойишталик, тотув ҳаётнинг асослари белгилаб берилган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилган. Энг му-

ҳими, инсон ҳуқуқи, инсон эркинлиги муштаҳам муҳрлаб қўйилган.

Ҳа, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва барча жабҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишларимиз ва буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганига ўн йил тўлди.

Шу муносабат билан 5 декабр кунини пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мажлиси янгради.

Конституциявий суд Раиси Б.Мустафоев Конституциямизнинг ўн йиллиги тўғрисида маъруза қилди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ўн йил абадийлик олдида қисқа фурсат эканига қарамай, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қанчадан-қанча тоғ маънодаги оламшумул ўзгаришлар юз берганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон маънавий қадриятларини тиклаш, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар, ҳуқуқий демократик давлат

ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан собитлик билан одимламоқда. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибияти муштаҳамлаш, ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш жараёнини босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Эришган ютуқларимизнинг, тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизда Конституциямиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётга татбиқ этаётганимиз муҳассамдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайити» муносабати билан 1991 йил 11 апрелдаги 193-сон Фармони ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. 2002 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 6 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини эътиборга олиб, 2002 йил 6 декабр дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайити байрамини жойларда муносиб тарзда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 декабр

И.КАРИМОВ

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Америка Қўшма Штатлари халқи номидан муборак Ийд ал-Фитр муносабати билан бутун Ўзбекистон халқига энг эзгу тилакларимни йўлламан.

Қўшма Штатлар насроний, яҳудий, ислом ва кўпгина бошқа динлар вакиллари учун умумий уйдир. Америка халқи барча инсонларнинг ўзи истаган динга эътиқод қилиш ҳуқуқини қадрлайди.

Ийд ал-Фитрининг байрам сифатида нишонланиши барчамизга инсоннинг энг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган эътиқод эркинлигининг муҳим ўрнини эслатади. Айниқса, бу байрам асрлар давомида бағрикенг Исламнинг бешиги ҳамда нафақат ислом илоҳиёти, балки жаҳон адабиёти ва фанининг машҳур намоёндалари ватани ҳисобланмиш Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади. Америка халқи сизнинг тарихингизга ҳурмат билан қарайди ва сиз билан дўстликни юксак қадрлайди.

Америка халқи номидан сизларга баҳузур ва халоватли йил тилайман.

Самимият билан,

Жорж БУШ,
АҚШ Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Кутлуг Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитр муносабати билан Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табриклар йўлламан. Сизга муштаҳам соғлиқ ва бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса доимий тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Абдуллох ИККИНЧИ,
Иордания Подшоҳи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,
Ийд ал-Фитр муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимизнинг самимий табрикларимиз ва энг эзгу ниятларимизни йўллашдан бағоят хурсандимиз. Сизга бахт-саодат, биродар Ўзбекистон халқига мудом тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Қодир Аллоҳдан ислом умматига тинчлик-омонлик тилаб қоламан.

Эҳтиром ила,

Қобус БИН САИД,
Уммон Султони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Аллох ул зотни ўз паноҳида асрасин
Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуху

Муборак Ийд ал-Фитр байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларим ва эзгу тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман. Сизга муштаҳам соғлиқ ва бахт-саодат, Ватанингиз, ислом дини равнақи ва мусулмонлар хизмати йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда муваффақиятлар тилайман.

Аллоҳдан халқингизга ва бутун ислом умматига бахт-саодат ва кут-барока ато этишини сўрайман. Аллох Субҳонаху ва Таъло муборак Рамазон ойида тугган рўзамини ва бажарган ибодатларимизни қабул айласин.

Ушбу кутлуг айёмда Аллоҳдан Ўзбекистон халқига тараққиёт, равнақ ва фаровонлик ҳамда бутун ислом уммати сафларини жипслаштиришда Сизга омадлар ато этишини сўрайман.

Қамоли эҳтиром ила,

Абдулвоҳид БЕЛКАЗИЗ,
Ислом конференцияси ташкилоти
Бош котиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қ А Р О Р И

Ўзбекистон Республикасига истеъмол товарлари олиб келишни такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорини сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек истеъмолчиларни истеъмол товарлари тўғрисидаги ишончли ахборот билан давлат тилида таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Белгилансинки:

2003 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган импорт қилинадиган истеъмол товарларининг айрим турларини мажбурий марказлаш жорий этилади:

мажбурий марказлашни керак бўлган ва 2002 йил охиригача Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалага чиқариладиган истеъмол товарлари чакана савдо шохбчаларида 2003 йил 1 апрелгача давлат тилида марказланмасдан сотишиш мумкин.

2. Қуйидагилар:

Импорт қилинадиган истеъмол товарларини марказлаш тартиби тўғрисидаги низоми;
тижорат мақсадларида Ўзбекистон Республикасига импорт қилишда мувофиқлик сертификатлари мажбурий тақдим этилиши талаб этиладиган истеъмол товарларининг

қўшимча рўйхати тасдиқлансин.

3. «Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мазкур қарордан келиб чиқувчи талабларга риоя этилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўн кун муддатда ўз норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорини сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 20 августдаги 295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 8-сон, 47-модда) ўзгаришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини У.Султонов зиммасига оқлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раисини

Тошкент шаҳри,
2002 йил 5 декабр

И.КАРИМОВ

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Фармонларига мувофиқ Истиклолимизнинг 11 йиллик улкан тўғри арафасида турли жабҳалардаги фидокорона меҳнати, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш, ишлаб чиқариш ва маънавиятни юксалтириш борасида эришган муваффақиятлари учун бир гуруҳ юртдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари

билан тақдирланган эди.

5 декабр кунини эркимиз ва истиклолимиз тимсоли бўлмиш Конституциямиз қабул қилинган кун байрами арафасида Оқсарой қароргоҳида бир гуруҳ ватандошларимизга ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Сизлар билан бугунги учрашувимиз ўзига хос, ажойиб, хосиятли бир кунда ўтмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Аввало, бугун Конституциямизнинг кутлуг ўн йиллиги байрами арафасида давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган сиз азизлар билан учрашиб, оңиқ чехрангизга боқиб, сизларни ана шу буюк сана билан табриклаш,

муборакбод этиш менга катта қувонч бағишлади.

Президентимиз маросим иштирокчилари билан бутун яна бир муборак айём - халқимиз, миллатимиз, дунёдаги барча мўмин-мусулмонларнинг табарук байрами - Рамазон ҳайити арафасида дийдор қўришиб турганидан мамнуният изҳор этаркан, уларни ва улар орқали бутун халқимизни қўнғилларга эзгу

ва ёрғу туйғулар олиб қиратган ана шу улғу кун билан самимий табриклади.

Мамлакатимизнинг ўн йиллик мустақиллик тарихида яхши бир одат шаклланиб, доимий анъанага айланиб қолди.

Яъни, ҳар йили Ватанимизнинг Мустақиллик байрами муносабати билан юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган инсонларни айнан

Конституция кунини арафасида табриклаб, уларнинг шодлиги ва қувончига шерик бўлмоқдамиз.

Шуни айтишим керакки, деди Ислам Каримов, бу воқеа, аввало, шахсан менинг ўзимга катта қувонч бағишлади. Чунки мен бундай учрашуларда халқимизнинг нафақат сиз каби фарзандларини, балки виллоят, туман, шаҳарлардаги олий нишон ва унвонлар билан тақдирланган эл-юртимизнинг муносиб вакиллари - уларнинг барча-барчасини, афсуски, мана шу муҳташам залга сиғдириб бўлмади - баргима босгандек, ҳар бирининг қўлини олиб табриклагандек бўламан ва бундан қалбим чекинмас фахр-ифтихорга тўлади.

(Давоми 2-бетда)

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Боши 1-бетда)

Бундай қувончли пайтларда кишининг хаёлидан беихтиёр бир фикр ўтади. Биз одатда кўпроқ мамлакатимиздаги, барча йўналишлар ва тармоқларда - бу иқтисодий ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, илмуфан, маданият соҳалари бўладими - эришган марраларимиз, кўлга киритган ютуқларимиз ҳақида гапирармиз.

Улар ҳақида жойларда ҳам, марказда ҳам, матбуот, радио-телевидениеда ҳам атрофлича ахборот берармиз, таҳлил этамиз.

Лекин, шунинг асоси билан айтишимиз лозимки, ҳақиқатан ҳам, бундай буюк натижа ва ютуқларнинг чинакам ижодкори, бунёдкори бўлиши, ўз меҳнат фаолиятида ҳақиқий қаҳрамонлик ва юксак маҳорат намуналарини намойиш этиб келадиган одамларимиз, меҳнатқашларимиз ҳақида камроқ эслаймиз.

Ана шунинг учун ҳам бугунги учрашувда ва эртадан бошлаб жойларда бўлиб ўтаётган давлат мукофотларини топшириш маросимларида сизларга, сиз каби барча заҳматқаш ва фидойи меҳнатчиларимиз шайнига ҳар қанча таҳсинлар ва миннатдорлик сўзларини айтсак, барбир камлик қилади, деб ўйлайман.

Биз «Ўзбекистон замини», «Ўзбекистон халқи», «Ўзбекистон фарзанди» деган сўзларни доимо эчки бир ҳаяжон ва ифтихор билан тилга оламиз, дея сўзидан давло эти Президент. Ҳеч шубҳа йўқки, «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган юксак унвон ҳам бизга фахруғурур бахш этадиган ана шундай мўтабар тушунарлар қаторида туради.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида кўп йиллардан бунён қаҳрамонона меҳнат қилиб келадиган инсонлар - «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жағмараси Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамовани, моҳир муаллим ва мураббий Марат Зокировни, тажрибали хўжалик раҳбарлари Азим Латипов ва Муродулло Саидовни, Хоразм вилояти ҳокими Ислам Бобоқонови ана шундай шарафли унвон билан чин юракдан қўтлади.

Айниқса, қаҳрамонларимиз қаторида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўзининг ҳақоний сўзи, ирода ва матонат билан юртдошларимизга, авваламбор ёшларимизга ибрат бўлаётган, том маънодаги маърифатпарвар инсон Озод Шарифидиновнинг борлиги бениҳоя қувончлидир.

Халқимизда муборак айёллар арафасида ўтганларнинг ёд этишдек яхши бир одат бор. Бир неча йилдирки, биз ана шу ибратли удуғма амал қилиб, илмуфан ва маданият хисси ривожига бекиётиш хисса қўшган, аммо бугунги ғрув кунларни кўриш насиб этмаган марҳум ватандошларимиз номини хотирлаб, ҳурмат божи этиб келмоқдамиз.

Бу йил ҳам Президентимиз Фармонига биноан ўн уч нафар ана шундай улғун инсон давлатимизнинг юксак мукофоти - «Буюк юксаклиқлари учун» ордени билан тақдирланди.

Биз машҳур аллома, академик Ҳабиб Абдуллаевнинг илмий жасоратини, Қори Нёзий, Тошмухаммад Саримсоқов, Убай Орипов, Обид Соқидов, Собир Юнусов, Содик Азимов, Яхё Ҳуломов, Саъди Сироқидинов, Ҳамид Сулаймон каби ҳар бири ўз соҳасида илмий мактаб яратган истеъдод соҳибларининг Ватанимиз, халқимиз олдидаги хизматларини ҳеч қачон унутмаймиз, деди Юртбошимиз.

Саҳна санъатининг ёрқин намоянаси Олим Ҳўжаев, миллий мусиқамиз ривожига улкан хисса қўшган мумтоз бастакор Тўхтасин Жалилов, бутун умрини қорақалпоқ диёрини тарангун этишга, ноёв ва бетакор санъат асарлари тўплашга бағишлаган Игорь Савицкий номларини ҳам эҳтиром билан ёд этамиз.

Бугун бизнинг миллимиз тарихида ёрқин из қолдирган ана шу инсонлар хотирасини ёзозлаётганимиз, эзгу ва савобли ишлар ҳеч қачон унутилмайди, яхшилик завол билмайди,

деган ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлайди, деб таъкидлади Ислам Қаримов.

Биз бугунги тинч ҳаётимиз, оқсоқил кунларимиз посбони бўлган, Қуролли Кучларимиз сафида, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик



идораларида ўз бурчининг шараф билан адо этаётган жасур аскар ва офицерларимиз, барча ҳарбий хизматчиларимиз ҳақида ҳар қанча фахрлилик гапирсак арзийди, деди Юртбошимиз. Бу мард ўғлонларимизнинг жасорати ва жанговар маҳоратини юксак қадрлаймиз.

Бугун Ўзбекистонимиз ўзининг ички ва ташқи сиёсати, улкан салохияти билан халқаро майдонда тобора обрў қозониб бораётган экан, бунда барча ватандошларимизнинг муносиб хиссаси бор, албатта.

Лекин мамлакатимизнинг шукратини бутун дунёга намойиш этишда, айниқса, спортчиларимиз, мана шу залда ўтирган ёрқин спорт юлдузлари алоҳида катта хисса қўшаётгани аён ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари барча мукофотланганларни яна бир бор самимий табриклаб, уларга Ватанимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширдим.

Бугун биз том маънодаги тарихий даврни бошимиздан кечиряпмиз. Эҳтимол, ўзимиз яшаб турган шу даврнинг барча қирраларини англаш, унга баҳо бериш қийиндир.

Лекин йиллар ўтади, асрлар ўтади, деб алоҳида таъкидлади Президент, ишончим комилки, оғир ва мураккаб замоналарда элимизга тоғдек таянч бўлиб, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг юқини елкасида кўтариб, бахтли ва фаровон ҳаёт пойдеворини қурган инсонларни келажак авлодларимиз миннатдорлик билан ёд этиши мукддир.

Ислам Қаримов ўзининг ниҳоятда барча мукофотланган юртдошларимизга қарата: кўнчилигимиз ярашиб турган ана шу ордени ва унвонлар ҳаммамизга буюрсин, янги ва юксак марралар сари илҳомлантирсин, издошларингиз янада кўпайсин, бошингиз доим омон бўлсин, деди. Уларга сичхат-саломатлик, бахт-саодат, ишларига омад, хотандонларига файзу барака тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан адабиётшунос олим Озод Шарифидинов, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жағмараси Наманган вилоят бўлимининг раҳбари Дилбархон Акрамовани, марҳум Ҳамид Сулаймоннинг ўғли Рустам Сулаймонов, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Вохидов номидаги хирургия илмий маркази бўлими раҳбари Юрий Калитин, «Феруз-Хоразм» тикувчилик хисдорлиқ жамияти бошқаруви раиси Клара Жумауратова, Сурхондарё вилояти Саросиё туманидаги И.Дибёров номидаги ширкат хўжалиги раиси Султон Сатторов, адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов, актриса Людмила Стоцкая, андижонлик журналист Мукаррамхон Холматов Президентимизга ўзларига билдирилган эзгу тилақлар ва юксак ишонч учун миннатдорлик изор қилиб, Ватанимизнинг олий нишонлари уларни янада самарали меҳнат қилишга, юрт нафакати учун бор куч-ғайратларини сарфлашга ундашини таъкидлади.

(ЎЗА).

ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ

(Боши 1-бетда)

Биз қонунчиликка асосланган ҳуқуқий давлат қуришга интилаётган эканмиз, бундай ҳолатлардан юз ўғирмасдан, қочмасдан, аксинча, бунга олиб келувчи сабабларнинг тағ-томмирига етиб бориш ва уларнинг ечимини топишимиз зарур.

Бу барчамизнинг, аввал-

ҳокимиятнинг уч тармоғи - қонун чиқарувчи, ижро этишчи ва суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Шундагина ҳокимият тармоқлари орасида том маънодаги мувозанат қарор топади, содда қилиб айтганда, адолат тарозиси бузилмайди.

Аввало, суд ҳокимияти,

дорлари орасида Конституция ва қонунларимизни пинанд қилмайдиган, ўз манфаатини, ўз бойлигини давлат ва эл-юрт манфаатидан юқори қўётган чаласавод кимсаларга шунча ўрин қолмайди.

Ўз-ўзидан аёнки, биз адолатли ва фаровон жамият қурмоқчи эканмиз, Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларни чуқур ўрганиш ва уларга риоя қилиб яшаш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шартдир.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз - халқимизнинг азалии удуғларига риоя қилиб, эл-юртими-зинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатимизни изчил давом эттириш, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат эканини, ўйлайманки, жамоатчилигимиз яхши билади.

Содда қилиб айтганда, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эзгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажagini ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Бу талаб аввало маъмурий идоралар, қонунни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотларга тегишлидир.

Тўртинчидан, нодавлат ва ижтимоий, ўзини ўзи бошқариш ташкилотларини ва фуқаролик институтларини, ўрни ва моҳиятини, уларнинг давлат қорхоналари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур.

Биз бу йўналишда бугунги кунда фақатгина биринчи қадамларимизни қўймоқдамиз.

Бешинчидан, жамоатчилигимиз, аҳолимизнинг сиёсий ва ижтимоий савияси ҳамда фаоллигини ошириш даркор.

Мен бу масалани биринчи даражада масалага айлантириш керак, деб ўйлайман.

Ҳар қайси инсон ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашиши лозим. Ҳар қандай одам учун имон-эътиқод деган сўзлар шунчаки, ҳавоий сўзлар эмас, аксинча, уни доимо қийнайдиган, виждонини уйғотадиган чуқур тушунчалар бўлса, бундай фуқаро атрофдаги одамлар, маҳалла-қўй, эл-юрт ташвиши билан яшайиш шарт.

Барчамиз лоқайдил ва бепарволикдан, сен менга тегма - мен сенга тегмайман, деган заифлик асоратидан бутунлай жудо бўлишимиз зарур.

Жамиятимизда шундай инсонлар қанча қўпайса, аввало, ҳаётга кириб келадиган ёшларимизда бундай қайфият нақадар кўпайса, бундай қарашлар уларни ҳаёт тарзининг ўз-ўзи қисмига айланган ҳолда биз олдимишга қўйган мақсадларга тезроқ етиб борамиз.

Бу масаланинг яна бир муҳим томони - бундай фикрловчи ва ҳаёт кечирувчи одамларимиз, ёшларимиз жамиятимизда ўз ўрнини тезроқ топса, ҳеч шубҳасиз, ҳокимият амал-

қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта қўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жағмараси томонидан 39 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг кўлами нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турилади.

Ўзи қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-маиший ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чораларни амалга оширилгани ҳам асламасдан ўтолмаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий қўриқдан ўтказилгани, 30 мингдан зиёд отахон ва онахоналаримиз санаторияларда ва тиббий-даволаш марказларида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, «Ортопедик реабилитация» илмий ишлаб чиқариш қорхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётганини ҳам тилга олиш мумкин.

Ўзи бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиятош» санаторий-профилакторийи, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Қосонсой» сичхатлоғи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қорачисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далolat беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастуридан кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилганлигини, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз талиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келадигани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчилигининг эъзозлиги бўлиб келадигани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга хисса қўшган савобли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

мустаҳкамлашиб бораётгани шайни мен беҳад қувонтиради.

Албатта, мўтабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги босқичда, янги шаклда изчил давом эттирилади.

Чунки бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта хисса қўшган кекса авлод олдидан барчамиз ҳамшира қардоримиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Хурматли дўстлар!

Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамасдан, ҳаёт давом этаверади.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам кириб келади. Янги йилнинг ҳам файзли, баракали бўлади, Яратганимиз бу йилда ҳам биздан меҳрини, марҳаматини аямайди, хотандонларимизга тинчлик-осойишталик, бахту саодат ато этади, деб ишонамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган гапимни яна такрорламоқчимман: биз пок ва холис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрашсак, ишончим комилки, биздан муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётганини ҳам тилга олиш мумкин.

Ўзи бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикасида «Тахиятош» санаторий-профилакторийи, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Қосонсой» сичхатлоғи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ногирон ва қорачисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далolat беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 минг 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастуридан кўзда тутилган имтиёзли ёрдам амалга оширилганлигини, уларга 3 мингдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатаётгани, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 минг 700 кексани ўз талиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келадигани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчилигининг эъзозлиги бўлиб келадигани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эзгу ишларга хисса қўшган савобли инсонларга, турли хайрия ташкилотлари вакилларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиб, илоҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

сиз, «Отанг - маҳалла, онанг - маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий мазмунини сўзда эмас, амалда намойиш этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин - бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими - буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирсан, яъни маҳалла том маънода отаналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолимизнинг розилигини олган бўлаемиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.

Бунинг учун аввало давлат қўмагини янада кучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низомини қайтадан қўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи галда, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммамиз бош қотиришимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқий ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечимларни тасаввур қилади.

Аввало, шунинг айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади.

Шу нуқтага назардан қараганда, маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча таъкир бўлмайди, эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини оқшоштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қуйи бошқариш тизими сифатида нечоғли кучайтирсак, бунинг учун бarchа моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимишга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсиз-

маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масала эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

(ЎЗА).

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА БАФИШЛАНДИ

(Боши 1-бетда)

Юртбошимиз мустақиллик даврида турли номлар билан эълон қилинган йиллар ўртасида мантиқий асос, ўзаро узвий боғлиқлик мавжудлигига эътибор қаратади.

Ўтиб бораётган Қарияларни қадрлаш йили аввало Ўзбеки-

стоннинг буюк келажagini ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсадга қаратилган. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури нафақат фахрийлар,

муътабар кексаларимиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирган шубҳасиз.

Президентимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилишни тақдир этди. Юртбошимизнинг бу тақдир йилнинг бағрида шубҳасиз, ҳар қачон кам бўлманг, деб тилаб билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни юксак. Кириб келадиган йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши эса маҳалланинг ҳуқуқий асослари ҳар томонлама янада мустаҳкамлашига, ўзини ўзи бошқаришнинг бундай тизими жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг

том маънодаги ажралмас қисми сифатида тобора ривож топишига, бунинг учун тегишли барча моддий-молиявий шароитлар яратилишига асос бўлади.

(ЎЗА).

ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм! Азиз ватандошлар, барчаларингизни Рамазон ҳайити муносабати билан чин дилдан муборакбод этаман.

Аллоҳнинг инояти ва истиқлол шарофати ила барчамиз бир-биримизни мана шундай улуг айём билан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз.

Яратганга беадад шукри, бугун халқимиз хурриятнинг мусаффо ҳавосидан нафас олмақда. Парвардигори олам мустақиллигимизни бардавом айлосин!

Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айлосин. Бу улуг байрамда барча имон-этиқодли мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд бўлиб, тутган рўзаларининг ажру савобидан умидвордирлар.

Рамазон ҳайити Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 10 йиллиги арафасида нишонланмоқда. Унда дин ва виждон эркинлигига алоҳида эътибор қаратилган. Асосий қонуимиз барча фуқароларни миллати, ирқи ва динидан қатъи назар тенг ҳуқуқли деб билади, уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналарини ҳурмат қилинишини кафолатлайди.

Рамазон ҳайити кунинда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, табарруқ кексаларимизга имон, ёшларга узоқ умр, тавфик, рушду ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қиладилар, яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бундай хайрли ишлар азалий қадриятларимиздандир. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро уэр сўрашиб, бир-бирларига кучок очадилар. Кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Аллоҳ таоло Қуръони Карим «Оли Имрон» сурасининг 134-оятинда шундай марҳамат қилади: «(Тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам эҳсон қиладиган, газабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиган кишилардир. Аллоҳ эзгулик қилгучиларни севар».

Мўмин-мусулмонлар фақатгина ҳайит кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўлади-

ган муомала-ю муносабатларни хайи қилмоқликларини лозим. Аллоҳнинг берган неъматларидан хайр эҳсон этиш, саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мисқину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликларини даркордир. Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак.

Исломи дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақиртириши билан бирга, уларни дини ва миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу жамиятнинг бирлигига, унинг азволари орасида дўстликни мустақкамлашга муҳим омил бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда: «Эй инсонлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишинглар, дўст-биродар бўлинглар деб сизларни турли-турли халқлар, қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлигингиз тақводорлигингиздир. Албатта Аллоҳ билгучи ва огоҳдир». (Хужурот, 13).

Парвардигор инсонларнинг фаровон ҳаёт кечирिशлари учун лозим бўлган ризқни яратганки, унинг бу неъматларини ҳеч қачон ҳисобига етолмаймиз. Балки шукрона этсак, берилган неъматлар янада зиёда бўлади, иншооллоҳ.

Мамлакатимизда мусулмонларнинг диний маросимларини камоли хуррият билан адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Жорий йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши эса фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида мамлакатимиз Раҳбари томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар изчил эканлигини намойиш этмоқда. Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор» дейди. Ҳақиқатан ҳам қаерда кексалар бўлса, шу жойда файз, барака бўлади. Қарияларнинг дуосини олиб яшайдиган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Улуг айём билан муҳтарам Президентимизни, республикамизда қарилгаштани сураётган табарруқ ёшдаги нуруний отахон ва мунис онахонларимизни, барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этиб, Ватанимизнинг истиқболни порлоқ, дийримиз тинчлиги ва оқойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ

Рақами атрофига белгиланган хонадан соат мили йўналишида: 1. Давлат рамзи. 2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Оила» бобидан: «...ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади». 3. Пойтахт. 4. Бош Қомусимизнинг «Ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлар» бобидан: «Бепул умумий... олиш давлат томонидан кафолатланади». 5. Истикбол. 6. Муҳома қилиш учун тақлиф этилган фикр. 7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим топшириги. 8. Оммавий ахборот воситаси. 9. Фуқаронинг кимлигини, касбини тасдиқловчи иш қоғози. 10. Бош Қомусимиздаги «Фуқароларнинг бурчлари» бобидан: «Маданият ёдгорликларини... муҳофазасидир». 11. Ўзбекистон Республикасининг олий нишонларидан бири. 12. Давлат тасарруфидаги билим маскани. 13. Одилона ва холисона фаолият олиб бориш натижаси. 14. Туб ўзгаришлар мажмуи. 15. Қонун йўли билан тартибга солинувчи молия фаолияти соҳаси. 16. Олий Мажлисининг маълум мuddатда ўтказиладиган анжумани. 17. Эрксевар

АЙЛАНМА КРОССВОРД



халқлар орзуси. 21. Корхона-муассасаларнинг қирим-чиқим сметаси. 22. Ўзбекистон Республикаси ордени

ларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

Сўнг шаклининг ўрта қисмидаги рақамларни очқич сўзлардаги мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммонани ечинг. Бунда уларни соат мили йўналишида ўқиш билан Она Ватанимизга бахтимиз қомусида берилган таъриф аён бўлади.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда иштирок этган олимлардан бири - 15, 3, 18, 11, 18, 2, 12.

2. Шахси ва фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат - 16, 18, 9, 16, 10, 3, 5.

3. Маълум бир соҳани бошқарувчи лавозим - 12, 18, 11, 6, 3.

4. Давлатнинг бошидораси - 13, 2, 12, 10, 7.

5. Жамоат бирлашмаси - 1, 18, 9, 18, 4, 18.

6. Бирор шахс, ташкилот, давлат номидан фаолият кўрсатиш учун берилган ҳуқуқ - 12, 18, 1, 10, 17, 8, 5.

7. Маъмурий ҳудуд бўлима - 5, 8, 14, 18, 7.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

МУАММОМА Аввало куйида таърифланиб, рақам-

ГАЗ ЎЛЧАГИЧ - КОНИ ФОЙДА

Сўнгги кунларда ҳавонинг совуши навоийликларни шошириб қўймади. Чунки табиий газ билан таъминлаш давлат дастурига биноан вилоят аҳолисининг 76 фоизи «зангори олов»дан меъёрида таъминланмоқда.

Шу йилнинг ўтган даврида 98 километрлик газ қувурлари тортилиб, мингдан зиёд хонадонда газ ёнди. Йил охиригача яна 22 километрлик газ қувурлари тортиш режалаштирилган. Шу кунгача Навоий,

Зарафшон шаҳарлари ва Қизилтепа тумани тўлиқ газлаштирилди. Навбахор, Хатирчи, Конимех туманларини газлаштириш давомида.

Тежамкорлик билан ва қонуний асосларда фойдаланиш аҳоли газ таъминотида катта аҳамиятга эга, - дейди «Навоийгазтаъминот» шўъба корхонаси директори Баҳодир Мансуров. - Шу боисдан газ ўлчагичлар ўрнатишга жиддий эътибор беряёмиз. Ҳозиргача хонадонларга 8 минг дона газ ўлчагич

ўрнатдик. Йил охиригача улар сони 14 мингга етказилади. Айниқса, Қармана, Нурота, Конимех туманларида бу борада ибратли ишлар қилиняпти. Яқинда яна 17 мингга газ ўлчагич сойтиб олдик. Бу ускуналар ўз самарасини бермоқда. Биргина шу йилнинг ноябр ойида 17 миллион сўмлик газ тежаб қолинди. Аҳолининг газни тежаб ишлатаётгани совиқ кунларда ҳам газ босимининг пасаймаслиги омилидан биридир.

(ЎзА).

«Ўзбекистон бошланғич касб-хунар таълими кўллаб-қувватлаш»

Ўзбек-герман лойиҳаси доирасида қўллаётган таълимий тадбирлар яхши натижа бермоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Германия техникавий ҳамкорлик жа-

ПЕДАГОГ

МУЛЬТИПЛИКАТОРЛАР мияти саяй-ҳаракати билан юзага келган бу нуфузли лойиҳа бўйича касб-хунар коллежлари махсус фарғутивуҷилари ва ишлаб чиқариш таълими усталаридан мультипликаторлар тайёрлашга ҳам киришилди.

«Замонавий касб-хунар таълими педагогикаси» йўналишида ўзининг ижодкорлик қобилиятини кўрсатган мультипликаторларнинг дастлабки гуруҳи жаҳон андозасидаги мультипликаторлик сертификатига эга бўлди. Уларни махсус тайёргарликдан ўтказишда Германиянинг ИВС ташкилоти экспертлари яқиндан ёрдам кўрсатишди. Германия техникавий ҳамкорлик жамияти эса бу хайрли ишга 300 минг евро ажратди.

Мультипликаторлар тайёрлашнинг иккинчи босқичи 2003 йилнинг бошларида ўтказилади. Бу эса замонавий технология махсули бўлган мультимедияларни қўллаб яратиш имконини беради.

А.АЛИЕВ.

ҚАТРАДА ҚУЁШ

ёхуд отамнинг ўғитлари

— Ўғлим, оёғинг тойса-да тилинг тоймасин.

— Ўғлим, одамни иш эмас, «миш-миш» толиқтиради.

— Ўғлим, ўжарлик жарликдир.

— Ўғлим, яхши инсонни ҳам уч жойда ёмон десанг, ёмонга айланади.

— Ўғлим, пул сўрасалар, майли, бер. Нон сўрасалар, майли, бер. Молу дунё сўрасалар ҳам майли, бер. Фақат ер сўрасалар, асло берма!

— Ўғлим, кексайсанг кексайгин-у, асло кеккайма!

— Ўғлим, ўзингни атрофдагилардан ақилроқ қилиб кўрсатма.

— Ўғлим, қонундан кўрққан одамгина ҳаётда ҳалол яшайди.

— Ўғлим, чироғи йўқ хонадон бехосият бўлади.

— Ўғлим, аччиқ гапирса ҳам, очиқ гапирган одамнинг қадрига ет!

— Ўғлим, ҳаёт бўла туриб, фақат тирикчилик учунгина яшаб юрган одам ўликдир.

Исматулла МАМАНОВ.

Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга қадар ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида бу муҳим тадбир қандай бормоқда?

Олов-тилсиз ёв, деб бежиз айтилмаган. Носоз газ ва электр асбобларидан фойдаланиш оқибатида бахтсиз ҳодисалар, афсуски, ҳамон содир бўляпти. Бу борада Хўжабод туманида ёнғин хавфи олдини олишга етарли эътибор берилмаётган-

лигини таъкидлаш лозим. Туманнинг Эгамберди-обод қишлоғида яшовчи Э.Абдурахмоновлар уйларида қўлбола бензин тайёрлашга уринишган. Эҳтиётсизлик оқибатида портлаш рўй бериб, фуқаро У.Ҳақимов ҳаётдан кўз юмди. Хонадон бут-

ТИЛСИЗ ЁВ

кул олов ичида қолиб, қолганлар оғир тан жароҳати олишган. Газ ўчоқларидан тўғри фойдаланилмаганлиги учун Шахрихон туманидаги «Ҳақиқат» ширкат хўжалигида истикомат қилувчи Ю.Мадаминов ва Қўрғонтепанинг «Дехқончи» хўжалигида яшовчи М.Камолловларнинг хонадони-

да ҳам ёнғин чиққан. Айрим ота-оналар вояга етмаган фарзандларини уйда қаровсиз қолдиришга оdatланмишган. Болаларнинг гугурт чақиб ўйнашлари оқибатида Қўрғонтепа шаҳридаги Саваой кўчаси 7-уйда истикомат қилувчи Э.Аҳмедов, Хўжабод туман Мадиёров номли ширкат

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда

хўжалигидан Ш.Иброҳимов, Андижон шаҳар Хумоюн кўчасида яшовчи Д.Болтабоевалар хонадонда ёнғин чиқишига сабабчи бўлган.

Кўпчилик корхона, ташкилот, муассаса ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан хабардор эмас. Боз устига керакли асбоб-анжомлар билан жиҳозлан-

маган. Фуқаролар йиғинлари ва маҳалла қўмиталари раислари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини етарли йўлга қўймаганлар. Айрим ҳудудларда хас-шахшлар, чиқиндиларга ўт қўйиши ҳам ёнғин чиқишига олиб келяпти.

Тахлиллар кўрсатиб турдики, ўтган ўн бир ойда вилоят бўйича 800 дан ортиқ ёнғин чиқиш

ҳолатлари рўйхатга олинган. Кўнгилсиз ҳодисаларнинг 700 дан зиёди аҳоли хонадонларида юз берган. Келтирилган зарар 100 миллион сўмдан ошади. Ёнғиннинг олдини олиш мавсумий иш эмас. Ҳар бир фуқаро ёнғин хавфсизлиги учун масъулдир.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири.

«Эвимекс - Трейдинг» шўъба корхонаси ва «Ўзсаламан» қўшма корхонаси қўшилиши муносабати билан барча масъулият Фарғона шаҳридаги «Ўзсаламан» қўшма корхонаси зиммасига юкланади.

Давволар билан «Ўзсаламан» қўшма корхонасига мурожаат қилишнинг мумкин

(ЎзА).

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибят 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 00.30

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақтиланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.